



Oybek KHOSHIMOV^a

^aSchool of Hadith Studies and

Senior Lecturer at Tashkent Islamic Institute

Zargaynar Street 47, 100002, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: hashimiy@mail.ru

«САҲИҲИ МУСЛИМ» АСАРИНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадис илмида энг нуфузли тўпламлардан бири бўлган Имом Муслимнинг «Саҳиҳи Муслим» асарининг яратилиши жараёни, унда жамланган ҳадисларнинг саҳиҳлигини таъминлашда қўлланган методлар, ҳамда асар муқаддимасининг илмий ва манбавий аҳамияти таҳлил этилади. Муаллиф томонидан 300 мингга яқин ҳадис ичидан саралаб олинган ва 15 йиллик изланиш натижасида вужудга келган ушбу тўпланда ҳадислардан ташиқари ҳадисларнинг саҳиҳлигига қаратилган талаблар ва мезонлар ҳам ўз аксини топган. Мақолада «Саҳиҳи Муслим» асаридаги ҳадислар сонига доир қарама-қарши фикрлар (такрорсиз 3033та, такрорлар билан 7515-12000та) ҳамда бобларга ажратилиш масаласи муҳокама қилинади. Асар муқаддимаси алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, у саҳиҳ ҳадисни заифдан ажратилиш усуллари, ровийлар юзасидан ишонч мезонлари ва ҳадис қабул қилиш шартларини қамраб олади. Шу билан бирга, Имом Муслимнинг «ал-Асоми ва-л-куно», «ат-Тамйиз», «Рижол Урва ибн Зубайр», «ал-Мунфаридот вал-Вухдон» ва «ат-Табакот» каби бошқа асарлари мазмуни, уларнинг тарихи ва ҳадисишуносликдаги методологик ўрни ҳақида ҳам маълумот берилади. Мақоланинг муҳим жиҳатларидан бири – «Саҳиҳи Муслим» тўпламини бошқа ҳадис тўпламлари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали унинг илмий қийматини намоён қилишидир. Шунингдек, Имом Муслимнинг ҳадис илмига қўнган ҳиссаси ва бу асарнинг тадқиқотчилар учун муҳим манба сифатидаги аҳамияти апрофлича ёритилади.

Калит сўзлар: Имом Муслим, Саҳиҳи Муслим, ҳадис, саҳиҳ, заиф, муқаддима, ҳадис шайхлари.

THE ROLE OF «SAHIH MUSLIM» IN THE SCIENCE OF HADITH

Abstract. This article examines Sahih Muslim, one of the most authoritative collections in the field of Hadith sciences, compiled by Imam Muslim. It explores the process of the compilation, the methods employed to ensure the authenticity of the Hadiths included, and the scholarly and source-critical value of the work's introduction (Muqaddimah). The collection was compiled after fifteen years of rigorous research and selection from nearly 300,000 narrations. In addition to the Hadiths themselves, the work reflects a detailed framework of conditions and criteria established for authenticating narrations. The article discusses the differing scholarly opinions concerning the number of Hadiths in Sahih Muslim—ranging from 3,033 unique narrations to between 7,515 and 12,000 including repetitions—and addresses the structure and classification of the chapters. The Muqaddimah is given particular attention for its methodological insights, including techniques for distinguishing sound Hadiths from weak ones, standards for evaluating transmitters, and conditions for the acceptance of Hadith. Furthermore, the article introduces Imam Muslim's other significant works—al-Asami wa-l-Kuna, at-Tamyiz, Rijal 'Urwa ibn az-Zubayr, al-Munfaridat wa-l-Wuhdan, and at-Tabaqat—highlighting their content, historical context, and methodological relevance within Hadith scholarship. A key focus of the study is the comparative analysis between Sahih Muslim and other Hadith collections, aiming to underscore the scientific and scholarly value of Imam Muslim's compilation. The article concludes by thoroughly discussing Imam Muslim's contributions to the science of Hadith and the significance of Sahih Muslim as a vital source for researchers and scholars.

Keywords: Imam Muslim, Sahih Muslim, hadith scholarship, authentic hadith, weak hadith, introduction, hadith scholars.

КИРИШ

Абул Фараж Қураший ўзининг «ал-Мунтазам» асарида Имом Муслим ёзган асарлари 23 та деб келтирган (an-Nuristoniy, 2007:36). Заҳабий «Сияр аълам ан-нубало» асарида Имом Муслимнинг куйидаги асарларини келтирган:

1. «Ал-Муснад ал-кабир»;
2. «Ал-Жоме ала -л-абвоб»;
3. «Ал-Асоми ва-л-куно»;
4. «Ал-Муснад ас-саҳиҳ»;
5. «Ат-Тамйиз»;
6. «Ал-Илал»;
7. «Ал-Вухдон»;
8. «Ал-Афрод»;
9. «Ал-Ақрон»;
10. «Суалоту Аҳмад ибн Ҳанбал»;
11. «Амр ибн Шуайб»;
12. «Ал-Интифо би-ухуб ас-сибо»;
13. «Машойих Молик»;
14. «Машойих Саврий»;
15. «Машойих Шўба»;
16. «Ман лайса лаху илла ровин воҳид»;
17. «Ал-Муҳазрабийн»;
18. «Авлод ас-саҳоба»;
19. «Авҳом ал-муҳаддисийн»;
20. «Ат-Табақот»;
21. «Афрод аш-шомиййин» (Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий, 2006:184-185).

Имом Муслимнинг айрим асарлари бизгача етиб келмаган. Айримларининг қўлёзма нусхалари мавжуд. Бугунга келиб олтита асар нашр этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Муслимнинг «Саҳиҳи Муслим» асарининг тўлиқ номи борасида турли фикрлар мавжуд. Ферузободий, Ибн Ҳажар, Ҳожи Халифа, Боғдодий, Каттоний ва Шаббир Аҳмад Усманий китоб номини «Жоме», деб келтирганлар. Ибн Асир, Нававий, Ибн Халикон, Заҳабий, Ибн Касир китоб номини «Саҳиҳ» деганлар (Tavoliba, 2000:101). Лекин, Ибн Салоҳ келтиришича, Имом Муслимнинг ўзи бу асар ҳақида сўз юритар экан: «Мен бу «Муснад»га ҳар бир ҳадисни ҳужжат асосида киритдим», «Бу «Муснад» китобимни Абу Зуръага кўрсатдим», «Ҳадис аҳли икки юз йил ҳадис ёзсалар ҳам, асоси бу «Муснад»га тақалади», «Бу саҳиҳ «Муснад»ни ёздим» деган гапларни айтган (Ibn Saloh, 1984:68). Шунинг учун асарнинг муаллиф томонидан берилган номи «Муснад саҳиҳ», деб тахмин қилиш мумкин.

Имом Муслим асарни ўз шахри Нишопурда ёзиб тугатган. Ёзган вақтида кўп устозлари тирик бўлган (an-Nuristoniy, 2007:48). Улардан маслаҳат олиб турган. Муслим бу асарни ўзи эшитган 300 минг ҳадис ичидан саралаб олган. Хусайн ибн Муҳаммад Мосаржсий отасидан келтиришича, Имом Муслим: «Бу «Муснад Саҳиҳ»ни ўзим эшитган 300 мингта ҳадисдан ёзиб олдим», деган (az-Zahabiy, 2006:178). Манбаларда келишича, «Имом Муслим «Саҳиҳи Муслим» асарини Нишопурда ҳижрий 235 йил бошлаган. Бу асар 15 йилда ёзиб тугатилган. Имом Нававий 16 йилда ёзилган, деган фикрни айтган» (Badaxshoni, 2004:10). Шамсиддин Заҳабий эса Аҳмад ибн Саламанинг 15 йилда ёзилган, деган фикрни келтирган (az-Zahabiy, 2006:178). Аҳмад ибн Салама доим бирга бўлгани учун аниқроқ маълумотга эга бўлган.

Имом Муслим ушбу асарни бошлаганида 29 ёшда бўлган ва 44 ёшида, ҳижрий 250 йилда ёзиб тугатган. Айримлар, ҳижрий 257 йил тугатган, деган фикрни айтган. Бунга сабаб, Иброҳим ибн Муҳаммаднинг «Бизга Муслим бу китоб (Саҳиҳи Муслим)ни ҳижрий 257 йил рамазон ойида ўқиб тугатди», деган сўзи келтирилган. Лекин, ўрганишлардан маълум бўладики, Иброҳим ибн Муҳаммаднинг ўзи эшитган санаси ҳижрий 257 йил бўлган (al-Badaxshoni, 2004:11). Чунки имомнинг доимий ҳамроҳи Аҳмад ибн Саламадан ҳижрий 250 йил асар тугатилгани ҳақида маълумот келтирилган (Tavoliba, 2000:105).

Имом Муслим даврида ҳадис илмлари ривожланиб, энг кўп ўрганиладиган фан бўлди. Озроқ ҳадис ўрганган одам ҳам ўзини муҳаддис деб билар эди. Ҳадисларни ажратиш малакасига эга бўлмаган одамлар ҳадис айтар, натижада заиф ҳадислар ҳам кенг ёйилиб борар эди. Шундай вазиятда Имом Муслимдан саҳиҳ ҳадисларни заифдан ажратиб, асар ёзиб беришни сўрашади. «Саҳиҳи Муслим» асарининг муқаддимасида ҳам бу ҳақида келтириб ўтилган.

Демак, биринчи сабаб, шогирди бир асар ёзиб беришни сўраган. Имом Муслим шогирдига қарата куйидаги гапни айтган, «Айтишингча, диннинг суннатлари ва ҳукмлари борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган ҳамма хабарларни ҳамда санадлар билан нақл қилинган ва аҳли илмлар орасида ўзаро қўлма-қўл бўлган савоб-жазо, тарғиб-огоҳлантириш ва бошқа турли хабарлар ҳақида текшириб ўрганишни мақсад қилибсан» (Muslim ibn Hajjoj, 2020:47-48).

Асар ёзишни сўраган шогирди ким экани ҳақида турли қарашлар бор. Унинг Аҳмад ибн Салама эканига қўпчилик иттифоқ қилган.

Иккинчи сабаб, Имом Муслим ҳадис илмида етарли даражада малакаси бўлмаган инсонлар ўзини муҳаддис санаб, саҳиҳ ва заиф ҳадисларни ажратишда камчиликка йўл қўйганини кўрган. Натижада, «Саҳиҳи Муслим» асарини ёзишга киришган. Бу ҳақида асарнинг муқаддимасида қуйидагича келтирилган:

«Ўзини муҳаддис санаган қўп одамлар хато иш қилганини кўрдик. Улар заиф ҳадислар ва мункар ривоятларни тарқ қилмадилар. Улар ростгўйлик ва омонатдорлик билан танилган ишончли кишилар нақл қилган машҳур саҳиҳ ҳадислар билан чекланмадилар» (Muslim ibn Hajjo, 2020:53).

Учинчи сабаб, заиф ҳадисларни тарқ қилиш ва саҳиҳ ҳадислар билан кифояланишга ишора бўлган. Чунки, асарнинг муқаддимасида саҳиҳ ҳадисларни тўплашга ишора қилиб, «Бу (асар)ни ўзим ва мендан ҳадис ёзиб оладиган одамларга тўплам бўлиб қолсин, унинг саҳиҳ эканида шубҳа қилмасин, дея саҳиҳ ҳадислардан жамладим», деган (Ibn Saloh, 1984:98).

Имом Муслимнинг мақсади ҳамма масалани ўзида қамраб, енгил, тушунилиши осон, саҳиҳ ҳадисларни бир асарга тўплаб, заиф ва тарқ қилиш керак бўлган ҳадислар ҳукмларга ва оддий одамлар орасига тарқалиб кетишини олдини олишни мақсад қилган.

Шунингдек, Имом Муслим «Саҳиҳи Муслим» асарини ёзишига Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий»ни ёзгани ҳам сабаб сифатида келтирилган. Яъни, «Саҳиҳи Бухорий» асарини кўрган Имом Муслимда ҳам саҳиҳ ҳадисларни тўплашга қизиқиш пайдо бўлган (Fazl Muhammad Yusuf, 2012:78-79).

«Саҳиҳи Бухорий» асари бевосита «Ваҳийнинг бошланиши боби» деб номланиб, мавзуга алоқадор ҳадисларни келтириш билан бошланган бўлса, «Саҳиҳи Муслим» асарида муаллиф ўзгача услуб қўллаб, асарни «Муқаддима» билан бошлаган. «Саҳиҳи Муслим» асарининг муқаддимаси илмий услубдаги биринчи муқаддималардан саналади ва ҳадис илми ва ровийлари ҳақида қимматли маълумотларни қамраб олади. Қиёслаш учун айтганда, Имом Термизий бу каби қимматли маълумотларни «Сунани Термизий» асарининг охирида «Илал ат-Термизий», деб кичик рисола шаклида келтирган.

Муҳаммад Анвар Бадахшоний «Саҳиҳи Муслим» асари муқаддимасининг илмий услубда эканини айтиб, бу муқаддима ҳадисга оид китоблар ичида илк намуна бўлганини қайд этган (al-Badaxshoni, 2004:34).

Шу билан бирга, муқаддимада ибораси чалкаш, тушуниш қийин ва услуби ноодатий, гапдаги эгаси билан кесими ўртасида узун гаплар келадиган, кесимни топиш қийин, гап бўлаклари ҳам ўрни алмашиб келадиган ўринлар мавжуд (Muslim ibn Hajjo, 2020:53). Бунинг сабаби, Имом Муслим ўз фикрларини эркин ифода қилгани ва қоидаларни келтиришда чиройли сўз тузиш, уларни таҳрир қилишга зарурат сезмаганида, деб тахмин қилинади. Муқаддима услуби Имом Муслим бу каби таҳлилий асарга илк бора қўл ургани билан ҳам изоҳланиши мумкин. Яъни, унга қадар муҳаддислар фақат ривоятларни келтириш билан шуғулланиб, фикр билдиришда ўта қисқа иборалардан фойдаланишгани, шунингдек, илмий муқаддима ёзишда муайян анъана мавжуд бўлмаганини унутмаслик керак. Мазкур сабабларга кўра, Ибн Маввоқ, Тужибий, Қасталоний каби қўп олимлар муқаддиманинг ўзига ҳам шарҳ ёзганлар.

Муқаддима «Саҳиҳи Муслим» асарининг бир қисми ҳисобланиши борасида ҳам турли қарашлар бор. Бир жиҳатдан олиб қараганда, асар муқаддимаси мустақил асар саналган. Масалан, ровийлар исмини ўрганишда «Саҳиҳи Муслим» ровийларига арабча мим (م) ҳарфи билан белги қўйилгани ҳолда, муқаддима ровийларига арабча мим-қоф (ق-م) белгиси қўйилади. Мавзулари ҳам фарқ қилади. «Саҳиҳи Муслим»даги ҳадислар ҳаммаси узлуксиз келган марфуъ ҳадислар. Муқаддимада эса умумий мавзулар келган. Муқаддимани бошлаш ва тугатишда ҳам ҳамд келтирилган. «Саҳиҳи Муслим»нинг биринчи боби алоҳида ҳамд билан бошланган.

Муқаддимада қуйидаги мавзулар ёритилган:

- «Саҳиҳи Муслим» асарининг ёзилиш сабаби;
- асарни ёзишда саҳиҳлик шарт қилингани ва ровийлар уч қисмга бўлинганининг сабаби;
- ёлғонда гумон қилинган шахслардан ҳадис келтиришдан сақлангани;
- саҳиҳ ҳадисларни ажратиб ривоят қилиш ва заиф ҳадисларни тарқ қилиш сабаблари;
- Қуръон ва ҳадисларда ҳам саҳиҳни олиб, заифни тарқ қилишга кўрсатма бор экани;
- эшитилган ҳар қандай ҳадисни ривоят қилаверишдан қайтарган. Ривоят қилишда эҳтиёт

бўлиш, фақат ишончли одамлардан ривоят қилиш кераклиги сабаби ҳадисларга ёлғон аралашиб кетгани билан изоҳланган;

- ҳадисни муҳаддислардан олиш кераклиги, санад келтириш диндан экани;

- бир ровийда ҳақиқатдан ҳам айб бўлса, иккиланмасдан айтиш кераклиги, бу шариатда жоиз ишлиги;

- ривоятда қаттиқ туриш, ишончли бўлмаса ривоятни қабул қилишдан бош тортиш, заиф кишиларнинг ривоятини қабул қилишдан бош тортиш кераклиги;

- «муанъан» (бир-биридан) тарзда келган ривоятларни ровийлар учрашиши имкони бўлса, ҳужжат бўлишга ярайдиган даражада саҳиҳ экани;

- замондошлик етарли эканини инкор қилиб, учрашишни шарт қилган олимларга раддия берилган.

Имом Муслим асарда қандай даражадаги ҳадислар келтирилиши шартлари ҳақида очиқ айтиб ўтмаган. Лекин, «Саҳиҳи Муслим» ва унинг муқаддимасини ўрганиш асносида умумий шартларни билиб олиш мумкин. Масалан, «Саҳиҳи Муслим»да саҳиҳ ва узлуксиз ҳадислар келтирилган, лекин муқаддимада бунга риоя қилинмаган. Олимлар таъкидлашича, «Саҳиҳ»да бўлгани каби ишончилилик муқаддимада шарт қилинмаган (an-Nuristoniy, 2007:51-52). Демак, муқаддимада турли даражадаги ҳадислар ҳам келтирилиши эътирозга сабаб бўлмаслиги керак.

Шунингдек, муқаддимада келган «муаллақ» ҳадислар билан «Саҳиҳи Муслим»да келган «муаллақ» ҳадислар ўртасида фарқ бор. Абу Авона Исфаройиний каби «Саҳиҳи Муслим»ни таҳриж қилган¹ олимлар муқаддимадаги ҳадисларни таҳриж қилмаган.

Имом Муслим муқаддимада «муанъан» ҳадис баҳсини келтирган. У «муанъан» ҳадисда шогирд устози билан учрашган бўлса, ривоятда ўз устозини тушириб қолдирадиган ровийлар каторида бўлмаса, бундай санад узлуксиз эканига ижмо қилинган, деб келтирган. Лекин, бу масалада Имом Муслимга раддия билдирганлар бор. Бу ўринда масала ихтилофли бўлиб, унга нисбатан ижмо борлигини нақл қилишнинг ўзи ҳам эътирозга сабаб бўлган. Имом Бухорий ва Али ибн Мадиний бу масалада Имом Муслимнинг фикрига зид фикр айтишган (an-Navaviy, 2020:396).

¹ Таҳриж – бир ҳадис китобида келган ҳадисларни бошқа санад билан келтириш.

МУҲОКАМА

«Саҳиҳи Муслим» асаридаги боб сарлавҳалари ҳам алоҳида тадқиқотга сазовор масала. Аслида Имом Муслим асарни мавзуларга ажратмаган. Асар яхлит шаклда, бобларга ажратилмаган, сарлавҳалар қўйилмаган бўлса-да, ўқиган одам қайси китоб бошлангани ва қайси мавзу ҳақида гап кетаётганини ўзи билиб олган. Ҳозирги нусхалар эса китоб ва бобга ажратилиб, сарлавҳалар қўйилган. Лекин, сарлавҳаларни Имом Муслим қўймагани аниқ. Ибн Салоҳ айтади: «Имом Муслим китобини бобларга кўра тартиблаган, лекин асар ҳажми катта бўлиб кетмаслиги ёки бошқа сабаб билан сарлавҳа қўймаган» (Ibn Saloh, 1984:103). Китобнинг ҳажми катта бўлиб кетмаслиги учун сарлавҳа қўймаган дейиш етарли асосга эга эмас. Ибн Салоҳнинг ўзи ҳам «ёки бошқа сабаб билан» деган сўзни қўшгани буни тасдиқлайди.

Имом Нававий «Саҳиҳи Муслим»га сарлавҳа қўйган олимлардан бири ҳисобланади. Имом Нававий айтишича, асарга унғача ҳам кўп олимлар сарлавҳа қўйиб чиққан. Айримлари яхши, айримлари яхши эмас. Ўзи эса сарлавҳаларни мавзуга муносиб келадиган сўзлар билан ифодалашга ҳаракат қилганини ёзади (an-Navaviy, 2020:369). Имом Нававийнинг қўйган сарлавҳалари мавзунини очиқ беришда муҳим ва фойдали саналади. Лекин, айрим боблардаги сарлавҳалар мавзунини тўлиқ ифода этмайди.

Кейинги давр олимларидан Шаббир Аҳмад Усманий ҳам «Саҳиҳи Муслим» асарида сарлавҳалар қўйган. Чиройли тарзда ифодалаб, мавзунини ёритиб берадиган даражада қилган. Нававийнинг айрим сарлавҳаларини ўз ҳолича қолдирган ҳамда унга қўшимча сарлавҳалар келтирган (Usmoniy, 2006:209).

Бобларга сарлавҳа қўйилмагани борасида яна бошқа қарашлар ҳам бор. Ибн Асокирнинг фикрича, Имом Муслим сарлавҳа қўйишни мақсад қилган. Лекин сарлавҳаларни қўйишдан олдин вафот этган (Tavoliba, 2000:107). Аммо, бу фикр ҳақиқатдан узок. Чунки, Имом Муслим асарни ёзиб бўлгандан кейин 10 йил яшаган, яъни қайта қўриб чиқиш ва шахсан сарлавҳа қўйишга имкони бўлган.

Яна бир қарашга кўра, Имом Муслим асарга ҳадисдан бошқа сўз киритишни хоҳламаган. Шу сабабли «Саҳиҳи Муслим» асари ижоза олиш учун ўқилганда сарлавҳалар ўқимасдан ўтилади.

Яна бошқа қарашга кўра, Имом Муслим сарлавҳа қўйишни ўқувчининг ўзига қолдирган (Tavoliba, 2000:106-107).

НАТИЖА

«Саҳиҳи Муслим» эллик тўртта бўлимга бўлинади ва «Имон китоби» билан бошланиб, «Тафсир китоби» билан тугайди. Асардаги ҳадислар сони бўйича ҳар доим ихтилоф бўлиб келади. Бунга сабаб, нусхалар турлича бўлгани ёки такрорлар чиқариб ташланиши жиҳатларидан турли фикрлар келиб чиққан.

Ҳофиз Абу Курайш гувоҳлик беришича, у Абу Зуръа Розийнинг олдида эканида Муслим ибн Ҳажжож келиб унга салом бериб, бир муддат бирга ўтириб, гаплашади. Тураётганида (Абу Курайш Абу Зуръага): «Бу тўрт мингта ҳадисни «Саҳиҳ»да жамлаган», деди (Ibn Saloh, 1984:99). Абу Зуръа: «Қолгани кимга қолди?», деб сўраган. Абу Зуръа бу гапи билан такрорини олиб ташласа тўрт мингта ҳадис қолади, демоқчи бўлган. Имом Нававий ҳам такрорларини чиқариб ташласа тўрт мингта ҳадис эканини келтирган (an-Navaviy, 1985:24).

Такрорий ҳадислар қўшилганда уларнинг умумий сони борасида иккита машхур қараш бор. Ирокийнинг келтиришича, «Саҳиҳи Муслим»даги ҳадислар «Саҳиҳи Бухорий»даги ҳадислар сонидан кўп (as-Suyuti, 2000:61). Битта ҳадис турли йўллاردан келгани учун ҳадислар сони кўпайиб кетган. Аҳмад ибн Салама «Саҳиҳи Муслим»даги ҳадислар сони ўн икки мингта эканини айтган (Заҳабий, 2006:178). Битта ҳадис иккита узтоздан ривоят қилинган бўлса, иккита ҳисобланган. Моянажий бўлса, ҳадисларнинг сони «Саккиз мингта», деган (as-Suyuti, 2000:61) Аҳмад ибн Салама ўз фикрини Имом Муслимнинг устозлари кўплигини эътиборга олиб айтган. Моянажий эса буни эътиборга олмаган ва икки устоздан келган бир хил ривоятни битта ҳадис сифатида қабул қилган.

Шу сабабли ҳозирги кундаги нусхаларда ҳам ҳадислар сони бўйича турли қарашлар бор. Такрорсиз 3033та (уч минг ўттиз учта) деган фикрлар бор (Muslim ibn Hajjoj, 2020:1790; Tavoliba, 2000:108). Шаббир Усманийнинг «Фатҳ ал-Мулҳим» шарҳида такрорсиз ҳадислар сони 3033та экани қайд қилинган (Usmoniy, 2006:290; Muslim ibn Hajjoj, 2020:1790). Манбаларда бу қадар турли ададлар келишининг яна бир сабаби, айримлар санокқа илова ўрнида ёки муқаддимада келган ҳадисларни ҳам қўшган. Бошқалар уларни

қўшмаган. Шунинг учун такрорсиз ҳадислар борасида ҳам турли қарашлар юзага келган.

Такрори билан келган ҳадислар борасида ҳам юқоридаги сабаблар туфайли ҳозирга қадар бир тўхтамга келинмаган. Айримлар 7388та деган, айримлар 7557та деган. «Фатҳ ал-Мулҳим»да 7515та ҳадис қилиб келтирилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, «Саҳиҳи Муслим» Имом Муслимнинг нафакат мўътабар ҳадис тўплами, балки ҳадисшунослик нуқтаи назаридан ҳам муҳим манба саналади. Айрим олимлар, «Саҳиҳи Муслим» саҳиҳлик жиҳатидан «Саҳиҳи Бухорий»дан устун деган фикрни ҳам айтганлар. «Саҳиҳи Муслим»нинг муқаддимаси ҳам асарнинг қийматини оширган. Ундаги айрим ровийларнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги ҳақидаги нақллар ҳадис илмининг «жарҳ ва таъдил» тармоғи бўйича муҳим маълумотларни қамраб олади. Имом Муслим ровийлар ҳақида хулосаларни устозларидан келтириш орқали асосларини яна ҳам мустаҳкам қилганини кўриш мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. al-Badaxshoni, Muhammad Anvar. (2004). Tashhih muqaddima Sahih Muslim. Karachi: Bayt al-Ilm.
2. az-Zahabiy, Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad. (2006). Siyar a'lom an-nubalo (J. 10). Qohira: Dor al-Hadis.
3. Ibn Saloh, Hofiz Abu Amr. (1984). Siyonat Sahih Muslim min al-xalal va-l-g'alat va himoyatuhu min al-isqot va-s-saqt. Dor al-G'arb al-Islomiy.
4. Mahmud Salmon, Mashhur Hasan. (1994). Imom Muslim ibn Hajjoj. Dimashq: Dor al-Qalam.
5. Muslim ibn Hajjoj, Abu Husayn. (2020). Sahih Muslim (J. 1). Karachi: Bushro.
6. an-Nuristoni Muhammad Mahmudiy ibn Muhammad Jamil. (2007). Al-Madhal ila Sahih Muslim ibn Hajjoj. Quvayt: Maktubat ash-Shu'un al-Ilmiya.
7. an-Navaviy, Muhyiddin ibn Sharaf. (1985). Takrib va-Taysir. Beyrut: Dor al-Kutub al-Arabiya.
8. as-Subkiy, Tojiddin. (n.d.). Tabaqot ash-Shofiyya al-Kubro (J. 1). Dor an-Nashr.
9. as-Suyuti, Jaloliddin. (2000). Tadrib ar-roviy. Beyrut: Dor al-Qalam.
10. Tavoliba, Muhammad Abdurrahmon. (2000). Imom Muslim va manhajuhu fi sahihih. Urdo'n: Dor Ammar.
11. Fazl Muhammad Yusuf. (2012). Tuhfat al-Munim sharh Sahih Muslim (J. 1). Karachi: Maktuba Uvays al-Qaraniy.

12. al-Hamaviy, Yoqut. (n.d.). Mu'jam al-Buldon (J. 5). Beyrut: Dor as-Sadr.
13. Usmoniy, Shabbir Ahmad. (2006). Fath al-Mulhim. Dimashq: Dor al-Qalam.
14. Shahrizuriy, Abu Amr Usmon ibn Abdurrahmon. (2010). Ulum al-Hadis (Muqaddima Ibn Saloh). Qohira: Dor al-Hadis.
6. an-Nuristani, Muhammad Mahmudiy ibn Muhammad Jamil. (2007). Al-Madkhal ila Sahih Muslim ibn Hajjaj. Kuwait: Maktab ash-Shu'un al-Ilmiyya.
7. an-Nawawi, Muhyiddin ibn Sharaf. (1985). Taqrib wa Taysir. Beirut: Dar al-Kutub al-Arabiyya.
8. as-Subki, Tajuddin. (year not specified). Tabaqat ash-Shafi'iyya al-Kubra. Vol. 1. Dar an-Nashr.
9. as-Suyuti, Jalaluddin. (2000). Tadrib ar-Rawi. Beirut: Dar al-Qalam.
10. Tawaliba, Dr. Muhammad Abdurrahman. (2000). Imam Muslim wa Manhajuhu fi Sahihihi. Jordan: Dar Ammar.
11. Fazl Muhammad Yusuf. (2012). Tuhfat al-Mun'im Sharh Sahih Muslim. Vol. 1. Karachi: Maktaba Uwais Qarani.
12. al-Hamawi, Yaqt. (year not specified). Mu'jam al-Buldan. Vol. 5. Beirut: Dar as-Sadr.
13. Usmani, Shabbir Ahmad. (2006). Fath al-Mulhim. Damascus: Dar al-Qalam.
14. Shahrizuriy, Abu Amr Usman ibn Abdurrahman. (2010). Ulum al-Hadith (Introduction of Ibn Salah). Cairo: Dar al-Hadith.

REFERENCES

1. al-Badakhshani, Muhammad Anwar. (2004). Tashil Muqaddima Sahih Muslim. Karachi: Bayt al-Ilm.
2. az-Zhahabi, Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad. (2006). Siyar A'lam an-Nubala. Vol. 10. Cairo: Dar al-Hadith.
3. Ibn Salah, Hafiz Abu Amr. (1984). Siyanat Sahih Muslim min al-khalal wal-ghalat wa himayatuhu min al-isqat was-saqat. Dar al-gharb al-islami.
4. Mahmud Salman, Mashhur Hasan. (1994). Imam Muslim ibn Hajjaj. Damascus: Dar al-Qalam.
5. Muslim ibn Hajjaj. (2020). Sahih Muslim. Vol. 1. Bushra: Karachi.

